# ВАТАН ҲИМОЯЧИСИ БЎЛИШ – ФАХР, ИФТИХОР

**(«Ватан ҳимоячилари куни» умумхалқ байрами ва Қуролли Кучларнинг 14 йиллиги муносабати билан «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тантанадан репортаж)**







Юрт ҳимоячиси, юрт посбони... Бу сўзлар замирида қанчалар фахр, ғурур, шараф, шон жамланганлигини ифода этиб беришга қалам ожиз. Бу тушунчаларнинг мазмун-моҳияти, кўлами кенг. Қўлига қурол олиб, эгнига ҳарбий либос кийиб, юртни қўриётган инсонгина Ватан ҳимоячиси эмас. Ақлу заковати билан дунёни лол қолдириб, ўзбеклигини, Ўзбекистонини дунёга кўз-кўз қилаётган, буюк аждодларининг муносиб ворислари эканлигини намойиш этаётган ҳар бир инсон – Ватан ҳимоячиси. Ахир, улар мустақил юрти манфаатини ҳимоя қилмоқда-да. Жисмоний баркамоллиги билан ўз сўзини айтиб, юрт байроғини дунё узра баланд кўтараётган спортчи – Ватан ҳимоячиси.

Иқтисодиётимиз, халқ хўжалигимиз шаклланувиі йўлида фидокорона хизмат қилаётган, шу юрт, шу эл манфаати учун ёниб яшаётган ишчи, деҳқон – Ватан ҳимоячиси. Бизни дуо қилиб, эл-юрт истиқболи йўлида фидойи бўлишга даъват этаётган оталаримиз, оналаримиз – Ватан ҳимоячиси. Умуман олганда, қалбида ватанпарварлик дея аталувчи гавҳари бор, шу муқаддас замини, жонажон Ўзбекистони тараққиёти, истиқболи йўлида қалби уйғоқ инсон борки – Ватан ҳимоячиси. Шу боис, 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни барчамизнинг байрамимиз, барчамизнинг тантанамиз. Бу куннинг йилдан-йилга том маънодаги умумхалқ байрамига айланиб бораётгани, энг улуғ, энг азиз айёмимиз бўлган Мустақиллик байрами даражасида юксак нишонланаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Шу ўринда бир нарсани таъкидламоқ жоиз. Ислоҳотларимиз янги бир босқичга кўтарилган бир пайтда ҳарбийлик чин маънодаги шарафли, фахрли касбга айланмоқда. Шахдам-шахдам одимлаётган ҳарбийни қаранг, қадамидан ўт чақнайди-я. Ахир, ташлаётган қадамларида Ўзбекистон посбони бўлишдан, муқаддас заминини, нурафшон келажак сари интилаётган юртини ҳимоялашдек, тинчлик-осойишталигини таъминлашдек масъулиятдан фахрланиш, ғурурланиш бор-да, унда.

«Кийган ҳарбий либосинг бирам ярашибди, ўргилай болам», дейди она аскар боласини қучиб. Кўнглидан эса «кийгани фахрдан, ғурурдан, матонатдан, садоқатдан либос бўлгач, ярашади-да», деган ўй ўтади. Ҳарбийнинг «Ватанимга хизмат қиламан», «Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан» деган сўзларини эшитганмисиз? Бўлмаса, эътибор бериб тингланг. Юрагининг туб-тубидан сизиб чиқади, бу муқаддас каломлар. Шараф, фахр, ғурур деган тушунчалардан озиқланиб чиқади, бу каломлар. Шу учун ҳам эшитганингиз ҳамоно қалбингиз бир ажиб туйғулар-ла қалқийди.

Туркистон саройида бугун катта тантана. Қуролли Кучларимизнинг 14 йиллик тўйини нишонлаш учун давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари, кенг жамоатчилик, бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларимиз, уларнинг оила аъзолари жамланган. Уларнинг кўзларида, юзларида байрам руҳини, байрам қувончини кўриб, юқоридаги фикрлар хаёлдан кечди.

Байрам либослари ярашиб турган, миллий армиямизнинг нуфузини кўз-кўз қилаётган марду майдонларимизга тантанага келганлар ўзгача бир ҳавас билан қарашаётганини сездим. Дарҳақиқат, ҳаёт мактаби, йигитлик мактаби дея эътироф этиладиган армия йигит кишини ҳар томонлама тоблайди, чиниқтиради. Йигитлик мактаби бўлган армияда умрига татигулик сабоқлар олиб, ҳар томонлама чиниққан ўғлонлар билан суҳбатлашиб, уларга синчиклаб разм солиб боққанмисиз? Кўзларида, қалбида Ватан суратини кўрасиз, уларнинг. Она юрти Ўзбекистоннинг буюк келажаги йўлида ёниб яшашга, жавлон уришга ундаётган кучни сезасиз, уларнинг вужудида.

Бу куч сўнмаслиги, қалбларида янада аланга олиши учун давлатимиз ҳаёт мактаби бўлган армияга, унинг сафларидаги ўғлонларига устувор эътибор қаратиб келмоқда. Бу куч тараққиётимизга, буюк келажагимизга хизмат қилиши учун турли имтиёзлар, имкониятлар яратилмоқда, ижтимоий ҳимоя янада такомиллаштирилмоқда. Бир сўз билан айтганда, Ватан истиқболига йўналтирилмоқда, бу куч. Шунинг учун йигитнинг кўзидаги, қалбидаги Ватан сурати бугун унинг шижоатига, қатъиятига, юрт иши йўлидаги фидойилигига кўчган.

Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанани Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев кириш сўзи билан очди. Президентимиз – Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Маълумки, Президентимизнинг «Ватан ҳимоячилари куни» муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармони матбуотда эълон қилинган. Бу ҳам бўлса Юртбошимизнинг, давлатимиз раҳбариятининг Ватан ҳимоячиларига чексиз ғамхўрлиги, юксак эътиборидандир.

Тантанада Мудофаа вазири Р.Мирзаев, Ички ишлар вазири Б.Матлюбов, Миллий хавфсизлик хизмати раиси Р.Иноятовлар юксак давлат мукофотларини ўз соҳибларига топширишди.

Юртбошимиз ташаббуси билан Қуролли Кучларимизда «Энг илғор мутахассис» танлови ўтказилиб келинаётганидан хабарингиз бор. Маълумки, танлов ҳар йили Ватан ҳимоячилари куни арафасида якунланиб, ғолиб ва совриндорлар аниқланади. Анъанага айланиб қолган танлов ҳар йили жанговар шайлиги юксак асл мардларни, профессионал посбонларни, Ватанимиз ҳимояси йўлида мардонавор хизмат қилаётганларни кашф этмоқда. Улардаги ҳарбийлик касбига бўлган ҳавасни, қизиқишни янада шакллантирмоқда. Бу эса ҳарбий хизматнинг нуфузи ортишига хизмат қиляпти. «Энг илғор сержант», «Энг илғор гуруҳ командири», «Энг илғор взвод командири», «Энг илғор батальон командири» номинациялари бўйича ғолибларга Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи генерал-майор В.Маҳмудов диплом ва қимматбаҳо совғалар топширди.

Қуролли Кучларимизда энг илғор қўшилма ва Сержантлар тайёрлаш мактабини аниқлаш бўйича ўтказилаётган танловнинг ҳарбий хизматчиларимизнинг касбий малакасини, жанговар шайлигини оширишдаги ўрни беқиёс бўлмоқда. Ислоҳотларимиз меваси бўлган бундайин танловлар армиямиз сафларидаги ўғлонларимизнинг замонавий ҳарбий техника ва технологияларни пухта эгаллашлари, юксак ақл-заковат, интеллектуал салоҳият соҳиблари бўлишлари, халқига, Президентига садоқат туйғулари қалбларида янада аланга олишларида устувор аҳамият касб этаётгани маълум. Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи бу галги ғолибларни ҳам муносиб тақдирлади.

Юксак давлат мукофоти билан тақдирланганлар номидан сўзга чиққанлар шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар сержант Аҳтам Юсупов ва кичик сержант Муҳайё Неъматовалар Президентимиз, ҳукуматимизга миннатдорчилик билдиришиб, миллий армиямизнинг шаклланувиі йўлида янада қатъият, янада шижоат билан хизмат қилишга, Ватанимиз осойишталиги, тинчлигини кўз қорачиғидек асрашга ваъда беришди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

Санъат усталарининг байрамона дастури тантана иштирокчиларининг кўнгилларига янада қувонч, янада хушнудлик олиб кирди.

Тантана ниҳоясида кўнглимдан бир фикр ўтди. Қачонки байрамнинг руҳияти, қувончи инсон кўнглидан, ички дунёсидан мустаҳкам ўрин эгалласа, у ҳақиқий бир байрамга айланади. Ватан ҳимоячилари куни, унинг файзу тароватиі, қувончу шодлиги қалбларимиздан чуқур жой олган байрамларимиз сирасидан.

**Майор Алижон САФАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**







## ПОЗДРАВЛЕНИЯ

Поздравляем весь личный состав Вооруженных Сил с Днем защитников Родины, от всей души желаем благополучия, процветания и больших успехов в деле укрепления безопасности и мира в Узбекистане!

**Полковник Сергей ИЩЕНКО, военный и военно-воздушный атташе при посольстве РФ в Узбекистане**

**Полковник Сюй ЮМИН, военный и военно-воздушный атташе при посольстве КНР в Узбекистане**

**Подполковник Вольфганг ХИРШ, военный атташе при посольстве ФРГ в Узбекистане**

**Полковник Никола ДАНИЗИ, военный атташе при посольстве Италии в Узбекистане**

**Полковник Жоель МАЛАВО, военный атташе при посольстве Франции в Узбекистане**

**Подполковник Грегори РАЙТ, военный атташе при посольстве США в Узбекистане**

**Майор Джозеф УИЛЛАБИ, военно-воздушный атташе при посольстве США в Узбекистане**

**Прапорщик Джон ОГНЬЮ, помощник военного атташе при посольстве Великобритании в Узбекистане**

**Подполковник Владимир РЯБЫШЕНКО, атташе по вопросам обороны, военный и военно-воздушный атташе при посольстве Украины в Узбекистане**

**Полковник Эрджан ДЖЫНДЫК, военный атташе при посольстве Турции в Узбекистане**

Примите самые искренние поздравления и наилучшие пожелания от имени всего личного состава Вооруженных Сил Республики Таджикистан и от меня лично по случаю профессионального праздника – Дня защитников Родины.

Желаю всему личному составу Вооруженных Сил Республики Узбекистан, славным ветеранам Вооруженных Сил, членам их семей крепкого здоровья, семейного благополучия, счастья и больших успехов в благородном труде и верном служении Отечеству.

Выражаю уверенность, что существующие между нашими армиями дружеские и братские взаимоотношения и впредь будут развиваться во имя укрепления обороноспособности наших государств.

**Министр обороны**
**Республики Таджикистан**
**генерал-полковник Ш. ХАЙРУЛЛОЕВ**

Сердечно поздравляю весь личный состав братских Вооруженных Сил Республики Узбекистан с Днем защитников Родины.

Желаю военнослужащим Вооруженных Сил крепкого здоровья, долгих лет жизни и успехов в службе, направленной на укрепление обороноспособности страны.

**Начальник Генерального штаба**
**Вооруженных Сил –**
**Первый заместитель Министра обороны**
**Азербайджанской Республики**
**генерал-полковник Н. САДЫКОВ**

# ГАРАНТ МИРА И СПОКОЙСТВИЯ



Фото Камолиддина ТУРАЕВА.

Есть ли на земле такая страна, где для того, чтобы попасть на срочную службу или в контрактники, необходимо пройти довольно непростой конкурсный отбор? Да, есть, и называется она Узбекистан. Созданные под руководством Президента Ислама Каримова национальные Вооруженные Силы за годы независимости завоевали любовь своего народа, в стране высоко подняты роль и значение военной службы, ставшей очень престижной профессией. И многие юноши, обдумывающие виды на будущее, искренне мечтают об офицерских погонах или о том, чтобы год отслужить, например, десантником или спецназовцем. С первых дней существования независимого государства руководство республики отчетливо осознавало, что успешное продвижение по пути независимости, безопасность и спокойствие на миролюбивой узбекской земле невозможны без формирования современной, хорошо технически оснащенной, мобильной армии. И делало все для достижения этой цели, не жалея сил и средств, изыскивая все возможности и резервы. За короткое время проведена поистине уникальная работа по созданию небольшой по численности, но хорошо организованной и способной выполнить любую боевую задачу национальной армии. Успешная реализация новой Концепции строительства и организации Вооруженных Сил, их финансовая поддержка позволяют сегодня утверждать, что у нас есть армия, способная защитить территориальную целостность страны, мир и спокойствие на нашей земле. Ведь, кроме армии, у нас есть мобилизационно-призывной резерв, через который прошли сборы тысячи и тысячи юношей нашей республики. Профессия «Родину защищать» требует от человека многих качеств. Это и отменная физическая подготовка, и выносливость, способность переносить любые лишения и трудности. Это знание и умение владеть современной сложной военной техникой, без чего немыслим нынешний солдат или офицер. Но все же в первую очередь это патриотизм, это любовь к своей Отчизне, ради которой солдат в ратном бою должен быть готов отдать всю жизнь без остатка. И сегодня в Вооруженных Силах страны несут службу достойные и преданные Родине сыны, отвечающие этим высоким требованиям. Нельзя не сказать и о задачах по коренному пересмотру социально-бытовых условий жизни военнослужащих, поставленных Верховным Главнокомандующим страны: отказ от неприемлемых казарменных условий проживания военнослужащих, разработка новых проектов, учитывающих специфику срочной и контрактной службы, введение более калорийных рационов питания, создание достойных условий жизни и отдыха для солдат и офицеров. В этом плане уже предприняты важные меры, и их осуществление будет продолжено. В преддверии Дня защитников Родины нельзя не сказать о той непростой обстановке, в которой живет наша страна, об угрозах, исходящих от сил международного терроризма. В этой связи весьма актуальны слова Президента, сказанные им в новогоднем Поздравлении, о необходимости сохранения бдительности в условиях сложной обстановки в регионе и во всем мире. Они обращены ко всем жителям страны, но, в первую очередь, конечно, к нашим защитникам. ...Защитники Отечества. Они выполняют ратный долг в воинских частях и подразделениях, защищая священные рубежи родной страны, оберегая мирное небо узбекистанцев. Их сердца порой под прицелом, а отступать некуда, потому что за ними Родина. Поэтому ими гордится страна, на них с надеждой смотрят отцы и матери, им хотят подражать юноши, на них заглядываются девушки. И, самое главное, их боятся враги.

**Ильдар МУДАРИСОВ.**
**(«Народное слово»**
**от 6 января 2006 года).**

Кўнгилга ташриф

# ХОРАЗМЛИК ХУШОВОЗ ХОНАНДА





Доимий рукнимизнинг бу галги меҳмони кўпчиликнинг севимли хонандаси, серғайрат ва хушовоз санъаткор, айниқса Хоразм куйларини маромига етказиб куйловчи Азиза Ниёзметовадир.

Ўзининг «Изламасман», «Ёндиравермa», «Кишмиш», «Умр», «Мендек севолмасин» сингари жозибадор қўшиқлари билан мухлислар қалбини забт этган суҳбатдошимиз Хоразм вилоятидан, оилада бош фарзанд бўлиб, қовға буржи остида таваллуд топган. Хоразм педагогика билим юртини тамомлаган. (Ҳозирда Ўзбекистон миллий университетида иккинчи мутахассислик бўйича таҳсил олмоқда). Икки фарзанднинг онаси.

Санъатга эрта меҳр қўйган Азиза нафақат мактабда таҳсил олган, балки боғча ёшиданоқ турли тадбирларнинг фаол иштирокчиси бўлиб, ижодий чиқишлари билан тенгқурларидан ажралиб турган. Болаликнинг беғубор орзу-ҳаваслари, қолаверса, қатъий ишонч ва астойдил ҳаракат вақти келиб ўз самарасини берди. Айнан ўша омил сизу биз билган Азиза Ниёзметованинг ижод йўлида етакчилик қилган. Илк қўшиғи – «Жоним мани».

Дарвоқе, у билан айнан 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни арафасида, «Туркистон» саройида мазкур санага бағишланган тантаналарга ҳозирлик кўрилаётган пайтда суҳбатлашдик.

– Устозларингиз ва ижодий ҳамкорлик қилувчи шоирлар ҳақида гапириб берсангиз?

– Ашулада устозларим Султон Мирсапоев, Юлдуз Усмонова, операда Мая Нурманова, рақсда Гавҳар Матёқубовалардир. Бобур Бобомурод, Сайёра Тўйчиева, Арслон Карим сингари шоирлар шеърларидан фойдаланаман.

– Сизнингча, машҳурлик инсонга бахтсизлик олиб келиши мумкинми?

– Мумкин. Агар ўша инсон машҳурлигини суиистеъмол қилса. Чунки, ҳар ким Оллоҳ иноятларидан тўғри фойдаланиши, фойдалана билиши керак.

– Хоббингиз борми?

– Қадимий нарсалар, антиқа буюмлар йиғишга жуда қизиқаман.

– Дунёда энг ёқтирмайдиган нарсаларингиз...

– Ёлғон, иккиюзламачилик, кўзбўямачилик, лўттибозлик.

– Жорий йилга режаларингиз?

– Йилнинг биринчи кварталига берилиши режалаштирилган яккахон концертимга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Унда янги-янги қўшиқларимни, сара ижод намуналарини мухлисларимга тақдим этмоқчиман. Шу билан бирга қўшиқларимга клиплар ишлаш режаларим асосини ташкил этади.

– Инсондаги ватанпарварлик туйғуси аввало, нимада намоён бўлади?

– Назаримда, бу – биринчи навбатда, унинг ўз оиласига бўлган муносабатида акс этади. Чунки, ўз оиласини севмаган, уни ардоқлаб қадрига етмаган киши Ватанини ҳам сева олмайди, кўз қорачиғидек асрамайди. Қолаверса, ўз касбига фидойилик, фаолияти билан юрти равнақи йўлида озми-кўпми ҳисса қўшиш, бошқаларга ўрнак бўлиш ҳам ватанпарварлик нишонасидир.

– Юрт посбони, умуман, эркак киши, аввало қандай хислатларга эга бўлиши керак?

– Мард, жасур ва бир сўзли.

– Ватан ҳимоячиларига тилакларингиз...

– Дунёда Ватан, оиладан кўра азиз, муқаддас ва мўътабар, бебаҳо ва қадрлироқ нарса бўлмаса керак. Жонажон Ўзбекистонимиз ҳимоясида ҳар доим сергак ва ҳушёр турган, ўз ҳаётини миллий армиямизга, оилаларимиз тинчлиги ва осойишталигига бағишлаган ака-укаларимга, опа-сингилларимга мустаҳкам соғлик, оилавий бахт, хизмат ва ишларида омадлар тилайман.

Шунингдек, хоразмлик хонанда мулоқотимиз чоғида бугунги ўзбек қўшиқчилик санъатида минг афсуски, баъзан салбий жиҳатлар ҳам учраб туришини куюниш ва ачиниш билан таъкидлаб ўтди. Яъни, бу ерда туғма истеъдоди, иқтидори эвазига эмас, бошқа йўллар билан санъат оламига кириб келишга уринаётган инсонлар назарда тутилмоқда. «Чин маънодаги ҳақиқий иқтидорни яшириб ҳам, сўндириб ҳам бўлмайди. Чунки, у бир кунмас бир куни барибир намоён бўлади», деди жумладан, у.

Азиза Ниёзметова билан хайрлашар эканман, унга ижодий баркамоллик тиладим. Санъаткоримиздан эса янги-янги қўшиқлар, дилларда янада муҳрланувчи ижод намуналари кутиб қоламиз.

**Катта лейтенант Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ суҳбатлашди.**



Младший сержант по контракту Игорь Халилов, чемпион Азии, серебряный призер Кубка Азии по тяжелой атлетике:

– В день празднования четырнадцатой годовщины Вооруженных Сил хочу поздравить с этой знаменательной датой всех, кто носит погоны, а также всех служащих Вооруженных Сил, посвятивших свою жизнь армии. От имени армейских спортсменов, удостоившихся чести защищать цвета Государственного флага Республики Узбекистан, хочу заверить командиров и сослуживцев – мы приложим все свои силы и в дальнейшем будем стремиться к новым победам на международной спортивной арене.

По себе знаю, какой гордостью наполняется сердце, когда вдали от отчего дома взмывает ввысь Государственный флаг Узбекистана под величественные звуки Государственного гимна нашей Родины. Ради этого мига торжества стоит жить, неистово трудиться на тренировках и выкладываться до конца на соревнованиях, ведь Отчизна делает все для развития спорта, пропаганды здорового образа жизни.

А еще хочу пожелать, чтобы военнослужащие всех армий мира сражались между собой только на спортивных аренах, чтобы крепким был мир на нашей земле и счастливым будущее нашего народа.

Армейский спорт

# СЛАВЯТ РОДИНУ НАШИ АТЛЕТЫ

**Накануне Нового года наш корреспондент встретился с начальником Марказий Харбий Спорт Клуби (МХСК) полковником Анатолием ГУТМАНОМ и попросил рассказать об успехах и достижениях армейских спортсменов в 2005 году.**

– За прошедший год в клубе подготовлено 9 мастеров спорта, 23 кандидата в мастера спорта и 38 спортсменов первого разряда. Отрадно, что призерами республиканских соревнований стали 153 армейца, а 79 – удостоены наград представительных международных состязаний. Десяти тренерам-преподавателям присвоена высшая квалификация.

**– Не могли бы назвать тех, кто вошел в список лучших спортсменов МХСК 2005 года?**

– Я с удовольствием готов назвать имена наших представителей, достойно защищавших спортивную честь Узбекистана. Начнем с кураша, ведь в этом виде у нас есть чемпион мира – им стал рядовой Рамзиддин Сайидов, ставший также серебряным призером чемпионата мира среди военнослужащих по дзюдо, проведенном в России. Ну а на ташкентском чемпионате мира по курашу компанию Сайидову составили Сожида Мадаминова с серебряной медалью и бронзовый призер Шерали Тураев.

Порадовали и боксеры – серебряную медаль чемпионата мира в Китае завоевал лейтенант Дильшод Махмудов, а также «серебро» на турнирах в Болгарии и Германии. Шерзод Абдурахманов стал серебряным призером на турнирах в Болгарии и Польше, Бекзод Хидиров победил на Международном турнире в Севастополе, добыл «серебро» и «бронзу» в Болгарии и Германии.

Успешным был год и для борцов вольного стиля – младший сержант по контракту Дамир Захартдинов стал финалистом чемпионата мира среди военнослужащих (Литва) и бронзовым призером чемпионата Азии (Китай). «Бронза» из Китая есть в активе Пулата Уразимбетова. Не отстали и дзюдоисты – сержант по контракту Михаил Соколов, рядовые Уткир Салямов, Рамзиддин Сайидов, Кобил Ибрагимов, служащие Вооруженных Сил Хуршид Набиев, Шамсиддин Саидов и Навруз Журакобилов стали серебряными призерами чемпионата мира среди военнослужащих (Россия) в командном зачете, а Салямов добавил сюда и бронзовую награду чемпионата Азии в Ташкенте.

«Урожай» медалей собрали и представители легкой атлетики – младший сержант по контракту Любовь Перепелова победила на международных турнирах в Португалии и Китае, а на турнирах в Греции и Финляндии была удостоена серебряных медалей. Ее подруга по команде Анастасия Журавлева победила на турнирах в Китае и Греции, завоевала «серебро» чемпионата Азии (Южная Корея). Младший сержант по контракту Сергей Воинов стал серебряным призером турнира в Китае, а Оксана Кот стала чемпионкой Международных игр СНГ в России.

Отличились и мастера «железной игры». Так, сержант по контракту Игорь Халилов стал финалистом Кубка Азии (Южная Корея) и бронзовым призером чемпионата Азии по тяжелой атлетике, а рядовой по контракту Александр Уринов в своем весе стал победителем Кубка Азии. На проведенном в Чирчике молодежном первенстве Азии рядовой Искандар Маминбеков завоевал «золото» и «бронзу», на этом же состязании Александр Переверзев удостоился бронзовой награды.

Вот и для гребцов на байдарках и каноэ финиш года сложился удачно. Победителями и серебряными призерами чемпионата Азии (Малайзия) стали рядовой по контракту Алексей Бабаджанов, служащий Вооруженных Сил Олег Головахин и рядовой Геннадий Кочнев, а Владимир Горн на этом же турнире стал серебряным призером. Велогонщик Владимир Веселкин победил в Международной велогонке по дорогам Ташкентской области, выиграл открытый чемпионат республики.

Не подвели и мастера пулевой стрельбы. Так, в стрельбе из пистолета Дильшод Мухтаров выиграл серебряную медаль чемпионата Азии в Таиланде, в стрельбе из винтовки младший сержант по контракту Вячеслав Скоромнов удостоился серебряной и бронзовой наград Международного турнира «Алтын мерген» в Казахстане.

Достойно выглядели и представители спортивных игр. Баскетболисты МХСК в составе сборной Узбекистана стали бронзовыми призерами отборочного турнира чемпионата Азии (Индия). Армейские ватерполисты в составе сборной Узбекистана стали серебряными призерами молодежного первенства Азии (Таиланд).

**Беседовал майор Аблай КАМАЛОВ.**



# «ҚУВНОҚ АСКАРЛАР» ОЛҚИШ ОЛМОҚДА

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги қошидаги «Ибн Сино» маданият маркази ходимлари «Қувноқ аскарлар» деб номланган янги концерт дастурини Тошкент ва Чирчиқ гарнизонидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда кенг намойиш этдилар.

Умумхалқ байрами – Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган ушбу қизиқарли томошанинг сценарий муаллифи Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Республика халқ таълими аълочиси Азим Азизовдир.

Марказ бадиий раҳбари Ўткир Бойматов раҳбарлигидаги «Ўткурий» номли ҳажвий ёшлар театр студияси тайёрлаган аскарлар, сержантлар ва офицерлар ҳаётига оид қизиқарли ҳангомалар, турфа латифалар посбонларга манзур бўлди.

Концерт дастурида «Умид» ёшлар студияси эстрада хонандалари – Умаржон Шамсиев, Динара Азизхўжаева, Акмал Абдиев, Ҳожиакбар Маҳмудов, актёрлар – Дониёр Жумақулов, Нозимжон Мирзаев, Миролим Аҳмаджонов, Комил Умаров, Моҳир Мўминовлар томонидан ижро этилган ватанпарварлик, она юртга садоқат руҳидаги ижодий чиқишлар ва ичакузди ҳангомаларга ҳам кенг ўрин ажратилди. Ботир Зокиров хотирасига бағишланган республика эстрада қўшиқ танлови ғолиби, машҳур хонанда Абдулла Қурбоновнинг бетакрор хонишлари, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Али ва ҳарбий шоир Искандар Раҳмоннинг шеърларидан намуналарни ҳам ҳарбий хизматчилар олқишлар билан кутиб олдилар.

**Наргиза АБДУЛЛАЕВА, «Ибн Сино» маданият маркази директори ўринбосари.**

# СКАНВОРД




Бош муҳаррир подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

Навбатчи гуруҳ:
А. ОБРЎЕВ, Я. КОРУКА,
Т. ЖУМАНАЗАРОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 56 17 98 (факс); масъул котиб – 56 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 56 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 56 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 56 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 56 03 48; социология ва реклама бўлими – 56 54 76.

Обуна бўлими – 56 03 46. Навбатчи – 56 09 81.

Таҳририят манзили:
700031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Александр Смотриков ва Содиржон Масимов томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – Наталья Лаптева.
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114 Буюртма № J-1954. Адади 26900.